Ушбу сонда:
2 САЙЛОВЧИ ВА НОМЗОД ТАНИШУВИ
3 *Сабоқ* ЎЗЛАРИНИ ҚОНУНДАН УСТУН БИЛИШДИ
4 ОДАМ ОЛАМ БЕЗАГИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 27 ноябр, шанба № 169 (816)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## МЕҲР ОҒУШИДА

*Халқаро ногиронлар куни арафасида Нукусда «Мардлик» соғломлаштириш-жисмоний тарбия жамияти фаолият кўрсата бошлади. Жамият ногиронларни соғломлаштириш марказларини ташкил этиб, турли спорт ўйинларини ўтказиб туради. Шу мақсадда Қорақалпоғистон Республикаси оғир атлетика федерацияси Нукусдаги марказий спорт залини ногиронлар ихтиёрига топширди.*

*Бутун мамлакатимиздаги каби Қорақалпоғистонда ҳам ногиронлар, ёлғиз қариялар ва эҳтиёжманд оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга жиддий эътибор берилмоқда. Ногиронликнинг олдини олиш, реабилитация ва яшаш муҳитини яхшилаш билан боғлиқ тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Нукус шаҳри ва Кегейли туманида ногиронларга касб ўргатиш бўйича иккита ўқув-ишлаб чиқариш корхонаси ишлаб турибди.*

*9 январ - Президент сайлови куни*

## ПРЕЗИДЕНТИМИЗ - ФАХРИМИЗ

**Жиззах шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида Ислом Каримов номзодини қўллаб-қувватлаш бўйича вилоят меҳнаткашлари вакилларининг митинги бўлди.**

Митингда сўзга чиққан Жиззах шаҳри меҳнат фахрийси Турсунбой Холметов, Фориш тумани тожик миллий маданият маркази вакили Шоди Шавқиев ва бошқалар Юртбошимизнинг халқимиз бахт-саодати йўлида юритаётган сиёсати, амалга ошираётган ишларидан мамнуният изҳор этдилар. 9 январ куни бўладиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида Ислом Каримов номзоди учун овоз беражакларини маълум қилдилар.

Митинг қатнашчилари бўлажак сайловда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг номзодини қўллаб- қувватлаш ҳақида Мурожаатнома қабул қилди.

(ЎзА)

## ОЛИЙ МАЖЛИСДА УЧРАШУВ

Мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Италия Республикаси мудофаа вазири Карло Сконьямильо Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси раиси Э.Халилов билан учрашди.

Учрашувда томонлар икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик муносабатлари, дунё хавфсизлигига жиддий таҳдид солаётган халқаро терроргчилик, диний экстремизм ҳамда уюшган жиноятчиликка қарши курашиш масалалари юзасидан ўзаро фикр алмашди. Бундай иллатларга қарши биргаликда курашиш, ўзаро тажриба ва ахборот алмашиш лозимлиги қайд этилди. Шунингдек, мудофаани такомиллаштириш ва хавфсизликни мустаҳкамлаш борасида олий қонун чиқарувчи орган фаолиятининг ўрни катта экани таъкидланди.

Италиялик меҳмонлар шу куни Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги, Қуролли кучлар академияси ва бошқа муассасаларга ҳам ташриф буюрди.

Пойтахтдаги Марказий офицерлар уйида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги билан Италия Республикаси Мудофаа вазирлиги ўртасида Мудофаа соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро битим имзоланди.

## МУРУВВАТ

Республика Ногиронлар жамияти Тошкент вилояти бўлими 3 декабр - Халқаро ногиронлар кунига пухта ҳозирлик кўрмоқда. Шу куни ногиронлар, ёлғиз қариялар ва эҳтиёжманд оилалар ҳолидан хабар олинади, уларга байрам совғалари улашилади. «Соғлом авлод учун», «Камолот», «Маҳалла», «Наврўз», «Болалар» жамғармалари вилоят бўлимлари меҳр-мурувват тадбирларини ўтказади. 27 ноябрь куни ҳашар ўтказилиб, ундан тушган маблағ ана шу хайрия ишларига сарфланади.

Асосий тадбир Олмалиқ шаҳрида бўлиб ўтади. Шу куни «Металлург» маданият саройида катта хайрия концерти ўтказилади, савдо ярмаркалари ташкил этилади.

**Мамлакатимиз кишилари сайловлар руҳи билан яшаётган бир пайтда касаба уюшмаларида ҳисобот-сайловлар зўр уюшқоқлик билан давом эттирилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Автомобил транспорти ва йўл хўжалиги ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси ҳам ўз конференциясига яхши тайёргарлик билан келди.**

**Хўш, ушбу тармоқ касаба уюшмаларида ҳисобот даврида қандай ютуқларга эришилди? Ечимини кутаётган муаммолар, камчиликлар, келгусидаги долзарб вазифалар нималардан иборат?**

**Мазкур Марказий Қўмита раиси Мираҳмат Мирқосимов мухбиримизга шулар ҳақида сўзлаб берди.**

## ЭРТАНГИ КУНДАН УМИДИМИЗ КАТТА



- Бозор муносабатлари жадал шаклланаётган бугунги кунда касаба уюшма аъзоларининг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш вазифаси биринчи ўринга чиқмоқда. Бунда жамоа шартномалари муҳим аҳамиятга эга. Мулкчилик ва хўжалик бошқаруви тизимининг ўзгариши жамоа шартномаси билан боғлиқ масалаларга бутунлай янгича ва талабчанлик билан ёндошишни тақозо этади. Муаммоларни ҳал этиш, ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга эришишда ҳурматли Президентимиз нутқларидаги йўл-йўриқ, кўрсатмалар етакчи омил бўлмоқда. Қилинган ишлар ўз самарасини берди. Масалан, Тошкент шаҳри 2-автокомбинати, «Тошшаҳарюктранс» концернига қарашли 3-автокомбинати, 125-Бўстонлиқ ҳиссадорлик автокорхонаси, Фарғона шаҳри 9-автобус саройи, Қўқон йўл ва кўприк қуриш бошқармаси, 85-Яккабоғ автокорхонаси касаба уюшмалари, хўжалик раҳбарлари жамоа шартномаларини амалга ошириб, ишчи-хизматчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилишда, меҳнат ва ҳаракат хавфсизлиги учун шарт-шароитлар яратишда бошқаларга ўрнак бўларли даражада иш олиб боришаяпти.

Шу билан бир қаторда, айрим тармоқ вилоят кенгашларининг бошланғич ташкилотлар билан бўш ишлаганлиги, касаба уюшма фаолларида ҳуқуқий билим етишмаслиги туфайли жамоа шартномаларида кўпгина асосий талаблар ўз ифодасини топмаётир. Томонларнинг мажбурияти сўзсиз бажарилиши лозимлиги ҳақидаги моддалар киритилмаслиги, назоратнинг сустлиги ва бошқа камчиликларни Андижон, Самарқанд вилоятлари касаба уюшмалари мисолида кўришимиз мумкин. Шунинг учун жамоа шартномаларини тузишга ва амалга оширишга расмиятчилик билан қараётган раҳбарларга ҳам қонуний талабни кучайтиришимиз лозим.

Охирги вақтларда ҳар хил қийинчиликларни рўкач қилиб, қонунда касаба уюшмаларига фаолиятини ташкил қилиш учун хўжалик раҳбарлари томонидан иш жойи бермаслик, алоқа, транспорт воситалари масалаларини ҳал қилмаслик ҳоллари учрамоқда. «Хоразмтранс» бирлашмаси раҳбарлари умуман касаба уюшма фаолиятини чеклашга, тўсқинлик қилиш йўлига ўтиб олдилар.

Касаба уюшмаларининг устувор вазифаларидан бири ходимларнинг амалдаги иш ҳақини оширишдир. Бу меҳнат унумдорлигини оширишга ундовчи омилларни кучайтиради. Шу маънода жорий йилнинг биринчи ярмида ўртача иш ҳақи «Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмасида -14020 сўмни, «Ўзавтойўл» концерни бўйича 9500 сўмга етди. Иш ҳақи бўйича энг оғир аҳвол «Ўзавтотранс» корхона ва ташкилотларида сақланиб қолмоқда. Яъни, корпорацияда юқорида кўрсатилган давр ичида ўртача кўрсаткич 7336 сўмни ташкил этди. «Фарғонатранс», «Андижонтранс» ва «Наманганитранс» бирлашмаларида ўртача маош бундан ҳам кам.

Тармоқдаги энг ташвишли ҳоллардан бири иш жойининг камайиб кетишидир. Мисол учун «Ўзавтойўл» концернида ўтган давр ичида иш жойларининг камайиши 500 ўринни ташкил этган бўлса, «Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмасида бу рақам 2003 кишига етди. «Ўзавтотранс» корпорациясига бўйича эса ишловчилар сони 22500 кишига қисқарди.

Бундан ташқари, оғир молиявий аҳволга тушиб қолган корхоналар сони кенгаймоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида корхоналар банкротлиги ва санацияси бўйича ҳукумат комиссиясининг жорий йилнинг 28 октябридаги мажлиси қарорида «Қорақалпоғистон дарё флоти» ишлаб чиқариш бирлашмасининг молиявий аҳволини соғломлаштиришга доир аниқ тадбирлар бажарилиши лозимлиги кўрсатиб ўтилди. Каттақўрғон автотранспорт корхонаси, Янгиобод автокомбинати, Андижон транспорт экспедиторлик ва Автоқурилиш ташкилотларини тугатиш масаласи кўриб чиқилди. Хўш, бу корхоналарда ишлаётган ишчи-хизматчиларимиз қаерга боради? Йўли битта. У ҳам бўлса, чет эл сармояларини кўпроқ жалб қилиш, кичик ва ўрта бизнес етакчи кучга айланишини таъминлашдир.

Тармоғимизда ушбу йўналишда ҳаракат қилиб, яхши натижаларга эришаётган ташкилотлар кўп. Масалан, «Ўзавтойўл» концерни чет эл технологияси асосида мармарни қайта ишлаш заводини қурди. Жиззах вилоятидаги темир қазилмаларини очиқ усулда қазиб олишни ўзлаштириб, янги иш жойларини ташкил этди. «Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмаси ҳаракат тизимидаги техникани янгилаш, эҳтиёт қисмларни ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқаришни кенгайтирди. «Ўзавтотранс» корхоналарида ҳам олиб борилаётган ижобий ишлар бор.

Ана шундай тажрибаларни кўпроқ ёйиш касаба уюшмаларининг ҳам асосий вазифасидир. Қолаверса ҳар бир ходимнинг иш жойларини сақлаб қолиш ва ривожлантиришдаги қатнашуви унинг ҳаёт-мамот ишидир.

Ҳар бир иш жойини сақлаш учун кураш, корхоналарнинг банкрот ҳолатига тушиши олдини олиш касаба уюшмаларининг энг асосий вазифаси бўлиб қолади. Шуни ҳисобга олган ҳолда яна бир муаммога тўхталиб ўтмоқчиман.

Республика «Бандлик дастури»ни амалга ошириш учун корхона ва ташкилотлар вилоят ва шаҳар меҳнат биржаларига иш ҳақи фондининг 2 фоизи миқдорида маблағ ўтказиб турадилар. Лекин, бандлик фонди бизнинг тармоғимизда кўзга кўринарли ҳали бирон лойиҳани амалга оширгани йўқ. Бу ҳам бўлса корхона раҳбарларининг Меҳнат вазирлиги ва уларнинг жойлардаги ташкилотлари билан мақсадли алоқалари йўқлигидадир.

«Меҳнатни муҳофаза қилиш» қонунига жавоб берувчи шарт-шароитлар яратиш, меҳнат ва йўл ҳаракати хавфсизлигига эътиборни кучайтириш, меҳнаткашларнинг ишлаб чиқариш жараёнида шикастланиши олдини олиш масалалари ҳамиша диққат-эътиборимизда. «Меҳнат кодекси» ва «Меҳнатни муҳофаза қилиш» қонунлари касаба уюшмаларига меҳнаткашларни ҳимоя қилиш учун кучли асос яратиши билан бирга унга янада катта масъулият юклайди. Чунки юз бераётган ҳар бир бахтсиз ҳодиса учун хўжалик раҳбари билан бирга касаба уюшма қўмитаси ҳам жавоб бериши керак.

Корхона ва ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилувчи хизматни ташкил қилиш, меҳнат ва ҳаракат хавфсизлиги бўйича жамоат комиссияларининг ишини қайтадан тиклаш, бу муҳим масалада хўжалик раҳбарларига бўлган талабчанликни ошириш орқали касаба уюшмалари йўл ҳодисаларини, жароҳатланган ва ҳалок бўлганлар сонинг камайишига ўз ҳиссаларини қўшдилар. Бунда «Андижонавтойўл» бирлашмаси, ТошАТЭК корхонаси, «Тошвилюктранс» концернининг 2503-автожамланмасида олиб борилаётган ишлар диққатга сазовордир.

Ишчи-хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш, ижтимоий суғурта тушумларининг тўлиқлигини таъминлаш, маблағларни тўғри ва самарали ишлатиш бўйича ҳам ишлар олиб борилди. Ҳар йили сиҳатгоҳ, санаторий-профилакторийларда соғломлаштирилган ходимлар сони 36219 нафарга етди. Жорий йилда 10742 ишчи-хизматчи фарзандлари соғломлаштирилди. Тармоқдаги 3 та санаторий-профилакторий таъмирланиб, уларда доимий хизмат кўрсатиш имкониятлари яратилди. Ҳисобот даврида 13539 нафар ходим ўз соғлиқларини тикладилар.

*«Ишонч»га жавоб берадилар*

### ГАЗЕТАДАН МИННАТДОРМАН...

**Газетамизнинг шу йил 5 ноябр сонида «Қонуний ҳаққимни қачон оламан?» сарлавҳали мақола босилган эди. Мақола Нарпай туманидаги Янгиқўрғон қишлоғида яшовчи Зилола Султонованинг таҳририятга йўллаган шикояти бўйича тайёрланган бўлиб, унда аёлнинг ёш боласи борлиги сабабли уйда ўтирганлиги, ўзи ишлаган туман шифохонасидан нафақа пулини ололмаётгани боис уни ундириб беришда кўмаклашишни сўраган эди.**

Нарпай туман марказий шифохона бош шифокори Ҳ.Хамроевнинг бизга маълум қилишича, мақолада келтирилган далиллар тўғри. Дарҳақиқат, З.Султонова болаларига беш ойдан бери нафақа олмаган. Туман молия бўлими томонидан нафақа пуллари учун лимит тугаганлиги сабабли шундай ҳол юз берган эди. Ҳозирги кунда унинг талаби қондирилди.

-- Мен ҳақиқатдан ҳам 1999 йил июн ойидан буён берилмаётган болалар нафақа пулини олдим. Менинг мушкулимни осон қилгани учун «Ишонч»га ўз миннатдорчилигимни билдираман, - дейилади. З.Султонованинг таҳририятга йўллаган иккинчи хатида.

## ҲАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Австрия Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги давлат котиби Бенита Ферроро-Вальднер бошчилигидаги делегация Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигига ташриф буюрди.

Учрашувда икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий алоқалар йилдан-йилга ривожланиб бораётган бўлса-да, бу ҳамкорликнинг кўлами имкониятлар даражасида эмаслиги таъкидланди. Ҳозир Ўзбекистонда Австриянинг саноқли фирма ва компаниялари фаолият кўрсатмоқда. Ваҳоланки, юртимизда хорижий тадбиркорлар учун яратилган қулайликлар ва мамлакатимизнинг кенг имкониятлари бундай фирмалар сонини янада кўпайтириш учун пухта заминдир. Суҳбат чоғида бу фикр бир неча бор алоҳида таъкидланди.

Учрашувда ўзаро иқтисодий алоқаларни ривожлантириш ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА)

*Касаба уюшмаси - даъвогар*

**Ойбек Охунов ҳам ўз тенгкурлари қатори киндик қони тўкилган жой - Учқўрғон туманидаги Кўғай-Ўлмас қишлоғидаги бепоён далаларга меҳр қўйиб улғайди. Ўрта мактабни тугатиб, онасига суянчиқ бўлиш ниятида қўлига кетмон олди. Улуғбек номли ширкат хўжалиги раҳбарлари меҳнатга чанқоқ йигитдаги эпчиллик, уддабуронликни кўриб 1998 йилнинг 1 июлидан ўсимликларни ҳимоялаш бригадасига ишга қабул қилишди. Ойбек ўз зиммасига юклатилган вазифаларни кўнгилдагидек бажаришга интилди. Лекин, янги йил арафасида бир оғиз огоҳлантирмай уни тутзорларни қўриқлаш учун қоровулликка ишга ўтказишганини маълум қилиб қолишди. «Балки вақтинчаликдир, ҳар ҳолда раҳбарлар бир нарсани пухта ўйламасдан бирон қарорга келишмайди-ку, бироз сабр қилиш керак. Тузукроқ ҳақ тўлашса бўлди-да», деган ўйга борди у.**

## ИШ ҲАҚИ СУДДА УНДИРИЛДИ

Ориятли йигит эмасми, мазкур ишда ҳам тиниб-тинчимади - далама-дала кезди, кимлар биландир баҳслашди, иш манфаати юзасидан талаб қилди. Хуллас, бу ерда ҳам ўз вазифасини виждонан бажаришга ҳаракат қилди. Кунлар оқар сувдек тез ўтаверди. Ҳаш-паш дегунча май ойи охирлади. Бироқ тирикчилик учун энг муҳим нарса - иш ҳақидан дарак йўқ эди. Беш ой мобайнида қуруқдан-қуруққа ишлаш қайси қонунда ёзилган ўзи?! Бунинг устига онаси ҳам ҳали маош олмаганди. Табиийки, бундай ҳолат Ойбекни хўжалик раҳбарларидан ўз қонуний ҳаққини бир неча бор талаб қилишга мажбур этди. Лекин, ҳар сафар ҳам жавоб бир хил эди: - «Пул йўқ, кутинг!»

Рўзғор - ғор, дейди халқимиз. Начора, ҳалол меҳнат пулини ололмагандан рўзғордан барака қочди. Оиладаги бир неча жон онасининг қўлига қараб қолишган. Ишқилиб, оқибатли кишилар бор бўлсин. Қўни-қўшни, ишбилармон, тадбиркор дегандай - бир четкада томошабин бўлиб туришмади. «Омад чопгани»ни қарангки, хўжаликдан ҳам бир ойлик иш ҳақи униб қолди. Шу заҳотиёқ уни қарз берганларнинг бир қисмига улашиб чиқди.

- Иложсизликдан ёлланиб, турли юмушларни қила бошладим, - деб ёзади ўз хатида О.Охунов, - адолатсизликни қарангки, хўжалик маъмуриятига иш ҳақим ҳисобидан ёғ беришларини илтимос қилиб бордим. Яна ўша «йўқ» деган жавобни беришди. Ҳолбуки, хўжалик раҳбарларидан бирининг қариндоши кўз олдимда омбордан ёғ кўтариб ўтиб кетди. Қорни тўқнинг қорни оч билан нима иши бор, деганлари шу бўлса керак-да...

Ойбекнинг ёзган шикоят-хати билан танишиш асносида Йўлбошчимизнинг: «Халқ ҳамма нарсага чидаши мумкин. Лекин адолатсизликка чидай олмайди» деган ҳикматли сўзлари беихтиёр ёдга тушади. Ойбекнинг қўлига қалам тутқазган ҳам адолатсизлик бўлса ажабмас. Нима бўлганда ҳам қонуний ҳаққини ундириб беришда ёрдам кўрсатишларини сўраб вилоят касаба уюшмалари Кенгашига арзнома йўллади. Хат мазмуни билан чуқур танишиб чиққан Кенгаш бош ҳуқуқшуноси Ғофуржон Каримов ишни пайсалга солмасдан шу куниёқ хўжаликда бўлиб, ҳақиқий аҳвол билан танишди. Кейин яна борди. Хуллас, оқни оққа, қорани қорага ажратмагунча қўймади. Текширишлар якуни О.Охуновнинг фойдасига ҳал бўлди. Эътиборингизга ана шу текширув хулосасидан бир парчани ҳавола этамиз: «Фуқаро Ойбек Охуновнинг розилиги олинмаган ҳолда ишлаб турган вазифасидан қоровулликка ўтказилгани, иш ҳақининг бир қисмигина берилгани, ишдан бўшатилгани, булар ҳеч бир ҳужжатда қонуний расмийлаштирилмагани, меҳнат дафтарчаси эгасига қайтарилмагани - унинг фуқаролик ҳуқуқлари бузилганидан далолатдир. Юқоридаги далиллардан келиб чиқиб, О.Охуновнинг аввалги иш жойига қайта тиклаш, иш ҳақини тўлалигича бериш, мажбурий ишга чиқмаган кунлари учун ўртача маош миқдорида ҳақ тўлаш юзасидан ширкат хўжалиги бошқарувига тақдимнома киритилди...»

Бироқ орадан белгиланган бир ойлик муддат ўтган бўлса-да, ғишт қолипдан кўчмади. Хўжалик маъмуриятининг тақдимнома юзасидан бирон-бир ижобий саъй-ҳаракати сезилмади. Аксинча, улар ўзларининг нотўғри ҳатти-ҳаракатларини хаспўшлаш мақсадида турли-туман ҳужжатлар тўплашга киришдилар. Шундан сўнг вилоят касаба уюшмалари Кенгаши тавсиясига кўра агросаноат мажмуи ходимлари касабақўми бу масалани ҳал қилиб беришни сўраб Учқўрғон тумани судига мурожаат қилишга мажбур бўлди.

Туман судининг шу йил 8 ноябрда судя Х.Холмирзаев раислигида бўлиб ўтган очиқ суд мажлисида Ойбек Охуновнинг шикояти ҳар томонлама, атрофлича кўриб чиқилди. Суд мажлисида вилоят тармоқ қўмитаси меҳнат ҳуқуқи инспектори М.Ҳайдаров даъвогар вакил сифатида иштирок этди. Ширкат хўжалигидагилар ўзларининг нотўғри ҳатти-ҳаракатларини оқлашга уриниб кўрдилар. Шоша-пиша тўплаган «ҳужжатлари»ни тақдим этмоқчи бўлдилар. Лекин олдиндан ҳеч қанақа дафтарда қайд қилинмаганлиги учун улар инобатга олинмади. Ва, ниҳоят, даъвогар - агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма вилоят қўмитасининг Ойбек Охуновнинг манфаатлари юзасидан уни аввалги иш жойига тиклаш, иш ҳақини ундириш ҳақидаги даъво аризасини қаноатлантириш, мажбурий бекор юрган вақти учун ширкат хўжалигидан 29870 сўм ундириш юзасидан суд қарори эълон қилинди.

Ҳа, касаба уюшмаси меҳнаткашларнинг ҳақиқий ҳимоячиси, ишончли суянчиғи эканлигини яна бир бор амалда кўрсатди.

**Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,**
**Абдунаби МАННОПОВ,**
**«Ишонч» мухбирлари.**

## Янги нашр тақдимоти

*Андижон вилояти шаҳар ва туманларида қирғиз миллатига мансуб 70 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Вилоятнинг Хўжаобод туманида улар айниқса кўп яшайди. Бу ерда Марказий Осиё маданияти ассамблеяси томонидан нашр этилаётган «Марказий Осиё маданияти» газетаси қирғиз тилидаги нашрининг тақдимоти бўлиб ўтди.*

*Тақдимот маросимида янги нашр муҳарририяти, вилоятдаги қирғиз миллий маданият маркази, жамоатчилик вакиллари сўзга чиқиб, мазкур газета Ўрта Осиё халқлари ўртасида дўстлик ва биродарлик, маданий ва маърифий алоқаларни янада ривожлантириш, миллий ва умумбашарий қадриятларни бойитишга хизмат қилажагини таъкидладилар.*

*1999 йил 5 декабр - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайловлар куни*

# САЙЛОВЛАР — КУЧЛИ ДАВЛАТДАН КУЧЛИ ЖАМИЯТ САРИ ЕТАКЛАЙДИ

*2000 йил 9 январ - Ўзбекистон Республикаси ПРЕЗИДЕНТИ сайлови куни*

**_Сайловолди жараёнларининг нақадар қизғин ва ошкора тус олганлигидан ҳам маълумки, бор-йўғи бир ҳафтадан сўнг сайловларимиз бутунлай янгича руҳда бўлиб ўтади. Эндиликда ватандошларимиз эртанги ҳаётимизнинг қандай бўлиши кўп жиҳатдан бугунги Парламент ва унинг аъзоларига боғлиқ эканини жуда яхши англайдилар. Айни шундай вазиятда эса сайлаш ваколатига эга бўлган ҳар бир киши Олий Мажлис депутатлиги учун кимга овоз бериш лозим? Президентликка кимни сайлаш керак? - деган фикрларни хаёлидан ўтказмай иложи йўқ._**

## САЙЛОВЧИ ВА НОМЗОД

### танишуви сайлов кунигача давом этиши зарур

Агарки, сайловлар бизни ўйлантираётган экан, демак, биз сайловчи ва сайланувчининг ҳуқуқий ваколатлари билан мукаммал танишиб чиқмоғимиз зарур. Зеро, янги сайловлар аввалгиларидан бутунлай фарқ қилади. Шу туфайли номзодга қўядиган талабларимиз ҳам унинг қонуний ваколатлари ва табиий имкониятига мос бўлиши керак. Модомики, Олий Мажлисимиз дунёдаги ривожланган мамлакатлар Парламентлари даражасида иш олиб борар экан, унда кўриладиган ҳар бир масала нафақат туман, шаҳар ёки вилоят миқёсида, балки бутун республикамиз ҳаёти билан боғланади. Бу эса сайланувчидан кўра ҳам сайловчи зиммасига кўпроқ масъулият юклайди. Буни тушуниб етмасдан эса айни давримизда юз бераётган сиёсий ўзгаришлар, мамлакат фаровонлиги учун тамал тошини қўйиш жараёнининг ҳақиқий иштирокчиси бўла олмаймиз.

Бугунги сайловларнинг мазмун-моҳияти ва афзалликлари, ва энг муҳими унинг қадр-қиммати собиқ Иттифоқ тузуми сайловлари билан қиёслаганда янада ойдинлашади. Хўш, ўша даврларда сайловчи қандай ваколатларга эга эди? Сайлов қонунларида акс этган ваколатлар билан ҳаёт ҳақиқати ўзаро мувофиқ эдими? Йўқ, асло!

Бугун-чи?

Собиқ шўро тузуми даврида сайловчи умумдавлат миқёсидаги масалаларга мутлақо аралаштирилмасди. Ҳукмрон Компартия ўз депутатларини «сайлаб» олар экан, сайловчи ўзи истиқомат қилувчи округдан сайланган депутатни давлат аҳамиятига молик йирик ишларни муҳокама қилувчи ўз вакили деб эмас, балки ўзи яшаб турган туман, шаҳар, вилоят муаммоларини юқоридан туриб осонгина ҳал этиб берадиган шахс сифатида кўрар эди. Аслида эса ҳар бир муаммони ҳал этишнинг ўз масъул кишилари ва мавриди бор. Шу жиҳатдан олиб қараганда бугунги сайловчи кечаги-мустабид тузум ҳукмрон пайтдагидек ўта тор фикр юритиб маҳаллий манфаатларни кўзлаб, бирор номзодга овоз берадиган бўлса, демак ҳануз эскича тафаккурдан воз кеча олмабди. Чунки бугунги сайловлар сайловчидан биринчи навбатда ақлу идрок билан «етти ўлчаб», керак бўлса, етмиш ўлчаб бир кесган ҳолда иш тутишни талаб қилади.

Зеро, у сайлаган вакил аввалгидек майда-чуйда муаммоларни бартараф этувчи эмас, балки қонун чиқарувчи Олий органда туриб, давлат ва жамият аҳамиятига молик масалаларни ҳал қилувчи, бугунги ва келгуси авлодлар тақдирида, осуда ҳаёт, фаровон турмуш ва Ватан яхлитлиги ҳамда тараққиётини таъминловчи қонунлар ва қарорлар чиқаришда бевосита иштирок этувчи Парламент аъзосидир. Агар мана шундай масъулиятли вазиятда сайловчи адашса ва нолойиқ номзодга овоз берса, у нафақат мавжуд муаммоларнинг ечилмай қолиши, балки уларнинг янада чигаллашиб, тўпланиб бораверишига йўл қўйган бўлади.

Шуни айтиш керакки, бугунги сайловчи бир неча номзоддан биттасини танлаб олиши ва, албатта, у бераётган ваъдаларнинг ҳаётий воқеликка нечоғли яқинлигини ҳар томонлама кенг мушоҳада билан қиёсий ўрганиши лозим. Масалан, номзод қандай бўлмасин юксак мавқега, азбаройи депутатлик имтиёзларига эга бўлиш учун ўз виждонидан кечиб, ҳар қандай ёлғон ва нореал масалаларни кўтараётган ёки табиий шароитга мутлақо мос келмайдиган ўзгаришларни амалга ошириш каби хаёлий, сароб ваъдаларни бераётган ё бўлмаса аллақачон давлат режасига киритилган ва имкониятга кўра босқичма-босқич амалга оширилаётган ишларни гўёки ўзи «амалга оширмоқчи» бўлаётгандир. Табиийки, бундай вазиятда у ё берган ваъдасини давлат режаси бўйича амалга ошиши билан сувдан қуруқ чиқишни кўзлайди ёхуд бутун мандати давомида сайловчилардан қочиб юриш ёки шу каби хомтаъма умидлар билан депутатликни ўтказишни ўйлаётгандир. Шунинг учун ҳар бир сайловчи номзодларнинг сайловолди дастурларини пухта ўрганиб чиқиши, уларнинг мамлакат қонунларига қанчалик мувофиқ ёки номувофиқ эканлигини чуқур таҳлил қилиши лозим. Яна шуни қайд этиб ўтиш лозимки, тоталитар тузум сайловларининг сарқити бўлган «ун тарқатиш», «ёғ тарқатиш», «зиёфатбозлик» йўли билан депутатликни сотиб олишга ҳаракат қилаётган номзодлар ҳали ҳам учраб турибди. Уларга овоз бериш эса Ватан биздан кутаётган ва бизнинг муаммоларимизни ҳал қилувчи номзодлар сараланаётган бир пайтда ўз виждонимизни, Она юрт, халқ олдидаги бурчимиз, садоқатимиз ва келажак авлодлар олдидаги масъулиятимизни «бир қоп ун», «бир челак ёғ», «битта зиёфат»га алмашиб, сотиш билан баробардир.

Шу ўринда ҳар бир номзод ҳам айни яхлит жараённинг асосий иштирокчиларидан бири сифатида виждон ва ақл билан сидқидилдан ҳаракат қилсалар миллат ва жамиятимиз равнақи учун катта хизмат қилган бўладилар. Бу эса уларнинг гарчанд депутат бўлиб сайланмаган такдирда ҳам ҳалол бир инсон сифатида бугунги ўтиш даври масъулиятини тўғри тушуниб етиб, тўлиқ ҳис қилганлигидан далолат беради. Таъбир жоиз бўлса, бундай танти хатти-ҳаракатнинг ўзиёқ ўша номзоднинг ўз эли ва юртдошлари келажаги учун қўшган ҳиссаси бўлади десак, янглишмаймиз. Зеро, инглиз файласуфи ва иқтисодчиси Жон Стюарт Милль таъкидлаганидек,- «Давлатнинг қадр-қиммати охир-оқибат уни ташкил қиладиган шахслар қадр-қимматига боғлиқдир».

**Фазлиддин РАВШАНОВ, Бахтиёр ШЕРАЛИЕВ.**

## МАКТАБ ЖОНКУЯРИ

**_Дунёда табаррук жойлар кўп. Самарқанд ҳам шуларнинг бири. Бу заминда не-не улуғ аждодларимизнинг муборак излари қолган. Регистон, Шоҳизинда, Бибихоним, Гўри Амир каби ўнлаб тарихий обидалар бобокалонларимизнинг барҳаёт руҳлари тимсоли янглиғ то ҳануз башарият аҳлини ҳайратга солиб турибди. Бу заминга қадам қўйган, буюк аждодларимиз билан ғойибона мулоқот қилган инсон қалби ҳам осмон қадар юксалишига шубҳа йўқ._**



Давлат ака эса қадим Регистон майдонидан тўрт қадамгина наридаги Қозикалон маҳалласида туғилиб ўсди. Умуман, унинг ҳаёти тарихи дунё ибтидосига туташ Самарқанднинг эски шаҳар қисмида кечаётир. Самарқанд давлат дорилфунунининг физика факультетини битиргач, Давлат ака Хўжаев ўзи ўқиб, олтин медал билан битирган Сиёб туманидаги 52-мактабга 1986 йилда ўқитувчи бўлиб ишга келди. Ишни илк бошлаган куни унга устозлари, айниқса, шу мактабда ўттиз йилдан бери она тили ва адабиётидан болаларга сабоқ бераётган онаси Жамшида Маҳмудованинг омад тилаганлари асло ёдидан чиқмайди. Шундан буёғига ҳам 13 йилдан зиёд вақт ўтибди. Бу орада Давлат ака меҳнати, билими, тиришқоқлиги билан обрў топди. Шу боис уни мактаб директорининг маънавият-маърифат ишлари бўйича ўринбосари, мактаб илмий бўлим мудири лавозимларига муносиб кўришди. Кейин у Сиёб туман халқ таълими бўлимида услубчи, услубхона мудири, назоратчи бўлиб ишлади. Шу йил туман таълим ва фан ходимлари касаба уюшма ташкилотининг конференциясида Давлат Хўжаев туман касаба уюшма қўмитаси раислигига сайланди. Не бахтки унинг номзоди «Фидокорлар» партиясидан Самарқанд вилоят Кенгаши депутатлигига кўрсатилди.

Давлат ака онасигами, устозларигами ҳавас қилиб, муаллимликка ихлос қўйди. Ҳеч иккиланмай шу йўлдан қатъий бораверди. Бутун борлиғини бахш этганиданми, ўқувчиларини ўз фанига чексиз қизиқтира олди. Дастлабки шогирдларидан Нигора Жўрақулова, Мадина Шамсиевалар эндиликда туман мактабларида ёшларга физикадан сабоқ бериşаётганини Давлат Хўжаев бугун фахр билан гапиради.

Мактаб муаммолари кўп. Булар ҳақида давлат ака кўп ўйлайди, устозлари, касбдошлари билан узоқ фикрлашади, кези келса, расмий тартибда ҳам мулоҳазаларини билдиради. Унинг фикрича, мактабларнинг моддий-техника базаси, кадрлар малакаси ҳали жаҳон андозалари даражасига кўтарилган эмас. Бунга эришиш учун «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг, «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури»нинг тўла бажарилишини таъминлаш зарур. Мактабларни тадбиркорлар моддий жиҳатдан қувватлаб турса, дуруст бўларди. Чунки мамлакат келажаги, Мустақиллигимизнинг тақдири ёшлар қўлида. Ёшлар эса мактабларда камол топади. Кадрлар масаласи жиддийлашиб бораяпти. Маош камлигидан, оиланинг ҳаётий эҳтиёжини қондиришга етмаганидан айрим ўқитувчилар мактабдан кетиб қолишмоқда. Ёки кўпроқ ҳақ олиш учун меъёрдагидан зиёд дарс беришади. Табиийки, толиқиш таъсирида дарслар сифатига путур етади. Шу сабабларга кўра ёш кадрлар ҳам мактабга келишга ошиқишмайди. Масалан, бу йил тақсимотда 32 ёш ўқитувчи ишга келиши кутилган бўлса, бу эҳтиёжнинг ярмидан кўпроғи қондирилди, холос. Яна бир масала. Иқтидорли ўқувчиларнинг аксарияти кечки таълим марказларига кетиб қолишаяпти, ундан бўш вақтларида эса репетитор-ўқитувчилардан сабоқ олишади. Бунинг сабабини изоҳлашга ҳожат бўлмаса керак. Ниҳоят, мактаб аттестатининг обрўсини кўтариш керак. Чунки ўқувчилар ўзлари танлаган йўналишга дахлдор фанлар билангина машғул бўлиб қолишмоқда. Бу уларнинг фикр доираси тор бўлиб қолмасмикан, деган хавотир уйғотади кишида. Буларнинг ҳаммаси Давлат аканинг мактаб, таълим-тарбия ишларига дахлдор дарду ташвишларидан бир қатра холос.

Шу кунларда 5-Регистон сайлов округидан вилоят Кенгаши депутатлигига номзод Давлат Хўжаев ўз ҳаракат дастури билан сайловчиларини таништирмоқда.

**Р.ҚУРБОНОВ, «Ишонч» мухбири.**




## ҲУҚУҚ ВА БУРЧ

Айни кунларда республикамизнинг барча ҳудудларида бўлажак сайловларга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Бу эса жойлардаги сайлов комиссиялари зиммасига катта масъулият юклайди. Термиздаги 139-сайлов округидан Олий Мажлис депутатлигига бир ўринга 6 номзод кўрсатилган. Турли партиялар ва ташаббускор гуруҳидан вилоят кенгашига эса 4 депутатлик ўринга 18 номзод рўйхатга олинган. Термиз шаҳар халқ депутатлари кенгашидаги 30 ўрин учун 93 номзод курашмоқда.

Ҳозир шаҳардаги 34 та сайлов участкасининг ҳар бирида сайловолди ишлари қизғин бормоқда. Сайловчиларга сайлов қонунларини, йўл-йўриқларини тушунтириш ишлари яхши йўлга қўйилган.

**Суратда: Бу йил биринчи марта овоз беришда иштирок этадиган сайловчилар билан сайлов участкаси раиси муовини Рўзи Ҳайдаров (ўртада) тушунтириш ишларини олиб бормоқда.**

**И.ХЎЖАЕВ (ЎзА) олган сурат.**

*Конституция куни олдидан*

## ҚОМУСИМИЗНИНГ АДОЛАТ ВА ҚОНУНИЙЛИК ТАМОЙИЛЛАРИ

**_Конституциявий қонун-қоидаларнинг жамиятимизга татбиқ қилиниши ҳуқуқий давлатнинг ўзига хос хусусиятидир. Давлатнинг бу хусусияти конституциявий меъёрларнинг амалга оширилиши учун ҳуқуқий асос яратади._**

Конституциямизнинг давлатимизни ва жамиятимизни ривожлантиришдаги аҳамияти шундан иборатки, у жамиятнинг бозор муносабатларига ўтишида давлатнинг иш фаолиятини аниқ - равшан белгилаб беради.

Чунончи, жамият ривожланишининг энг ишончли синалган йўли - қонунийликдир.

Конституция бозор муносабатлари шароитида, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, мажбуриятлари давлат томонидан кафолатланиб, мансабдор шахсларнинг фуқаролар олдидаги масъулиятини оширишга қаратилган ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилишига пойдевор яратди.

Олий Мажлиснинг 1995 йилги сессиясидаги судга шикоят қилиш тўғрисидаги қонуни ҳамда 1993 йил 6 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги, 1993 йил 2 сентябрдаги маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисидаги қонун ва «Кадрлар бўйича Миллий дастур»лар тегишли органларнинг ўз фуқаролари олдида вазифаларини тўла бажариши учун имконият яратади. Давлатимиз раҳбарининг «Қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот тантана қилмаса, шахснинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, қаттиқ интизом, ички уюшқоқлик ва масъулият устувор бўлмаса, қонунлар ва анъаналар ҳурмат қилинмаса, ҳуқуқий давлатни тасаввур қилиб бўлмайди», деган сўзларини эслайлик-а. Демак, давлат Конституция ва қонунларда белгиланган ваколатларини бажаради.

Аслида ҳуқуқий давлатнинг негизи ҳам қонунийликдир.

Фуқароларнинг ўзаро муносабатлари ва унинг органлари билан бўлган алоқалар қонун асосида бўлиши, қонунларга ҳамма бир хилда итоат этиши керак.

Бирор манфаат йўлида қонуннинг бузилишига йўл қўйилмаслиги лозим.

Бунинг учун Конституциямизни ва унинг асосида қабул қилинган, ҳаётимизга татбиқ қилинаётган қонунларимизни ўқиб-ўрганишимиз, ҳуқуқларимизни қандай ҳимоя қилишни билишимиз лозим. Бу - ҳозирги замоннинг муҳим шартларидандир.

Ўзбекистон фуқароларининг ҳуқуқлари тўла таъминланган. Бунда асосий эътибор фуқаронинг шахсий ҳуқуқларига қаратилган. Чунончи, мамлакатимиздаги барқарорлик, ижтимоий муносабат ва ижтимоий ҳаётнинг энг муҳим масалаларини ечиб бермоқда.

Конституция фақатгина ижтимоий муносабатларни тартибга солиш билан чекланмасдан, балки давлатнинг асосий мақсадини - мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаш учун қонуний асосларни ривожлантиришда манба сифатида хизмат қилмоқда.

Конституция қабул қилингандан буён утган етти йил мобайнида амалга оширилган ишларни ҳисобга оладиган бўлсак, ҳали ҳеч қайси давлат ўз мустақиллигига эришгандан кейин бизчалик муваффақиятларга эришган эмас.

Биз - дунёдаги ривожланган мамлакатларнинг маданиятига тенг маданиятга эга бўлган халқмиз. Бизнинг тарихимиз бойдир, ундан фахрланамиз ва келажак авлод учун шундай бойликни асраб, кўпайтириб, мустаҳкамлаб бoрaвeрамиз.

**Фарҳод ТОҲИРОВ, доцент.**

*Луқма*

Таҳририятга танқидий мақола юзасидан жавоб хати келди. Унда шундай дейилади:

**«На страницах Вашей газеты «Ишонч» от 10.11.99 года была опубликована статья Генерального прокурора областной прокуратуры, где сообщалось о том, что на автопарке №146, директором которого является Матякубов О. Э., задолжность по заработной плате на 1.10.99 года составляет 2000,0 тысячи сумов. На сегодняшний день задолжность по заработной плате полностью погашена,на 1.11.99 года она составляет 540,0 тысячи сумов. (Это начисление на октябрь месяц).**

**Директор автопарка №146 Матякубов О.Э.»**

## АЛАҲСИРАШ

Бу қайси мақолага жавоб хати экан? Дарҳол газета тахламини варақлаймиз. «Маош кечикаяпти. Сабаб?» сарлавҳали мақолага кўзимиз тушади. Муаллифлар: Самарқанд вилояти прокуратураси умумий назорат бўлими прокурори, адлия маслаҳатчиси Е.Турдиев ва «Ишонч» мухбири Р.Қурбонов.

Гап нима ҳақида кетаётганини эслаш учун мақолани яна бир бор кўздан кечирамиз.

«Вилоятдаги бир қатор йўловчи ташиш билан шуғулланувчи транспорт корхоналарида иш ҳақи тўлаш аҳволи ўрганилганда янада нохуш манзара намоён бўлди, - дейилади мақолада. — Масалан, Самарқанд шаҳридаги 146-автожамланмада (директори О.Матёкубов) иш ҳақидан қарзлар 2 млн. сўм... дан ошиб кетган.»

Биз уч нуқта қўйган жойда яна уч корхона ва уларнинг раҳбарлари номи тилга олинади. Қизиқиб, таҳририят хатлар қутисини ковлаштириб кўрамиз. Йўқ, улардан жавоб келмабди.

—Нега ҳам келсин, — дейишди хатлар бўлимидаги ҳамкасбларимиз. — Мақола прокуратура текшируви асосида ёзилгани учун ҳеч қаерга сўровнома йўлламаганмиз.

Қизиқ, унда нега Матёкубов О.Э. жавоб беришга бунчалик ошиқди экан-а? Хат шунчалар ошиғич ёзилганки, ҳатто мақола муаллифларидан бири бўлмиш вилоят прокуратураси умумий назорат бўлими прокурори «Генеральный прокурор областной прокуратуры» даражасига кўтарилиб кетган. Лекин бизнинг билишимизча, мамлакатимизда фақат биргина Бош прокурор бор, бинобарин умумий назорат бўлими прокурори у ёкда турсин, ҳатто вилоят прокурорига нисбатан ҳам «Бош» сифати ишлатилмайди.

Чамаси автожамланма директори айбини тезроқ ёпишга уриниб, ортиқ даражада «хаяжон»га берилган кўринади. Акс ҳолда бу қадар қўпол хатога йўл қўйилмас эди. Ким билади, ўзбек тилида чиқадиган газетага ўзбекча қилиб оддийгина жавоб йўлланганида бундай бўлмасмиди?!

Ҳар қалай, мустақил Ўзбекистонда яшаётганлигимизни, халқ хоҳиш-иродаси натижаси ўлароқ бундан 10 йил муқаддам тилимизга давлат тили мақоми берилганлигини, шунга кўра, расмий идоралар ўртасидаги ёзишмалар давлат тилида битилиши зарурлиги қатъиян белгилаб қўйилганлигини бот-бот эслаб турсак ёмон бўлмасди.

**З. РИХСИЕВ**

## Жамоа доимий иш билан таъминланди

Чинобод тайёрлов-ишлаб чиқариш корхонасида янги ишлаб чиқариш цехларининг барпо этилиши меҳнаткашларни мавсумий эмас, доимий иш билан таъминлаш, бунинг устига, анчагина янги ишчи ўринларини ташкил этиш имконини берди.

Андижон вилоятининг Балиқчи туманидаги яқинда акциядорлик жамиятига айлантирилган бу савдо ташкилоти мева-сабзавотлар ва полиз экинларини сақлаш ва сотиш билан шуғулланади. Шунинг учун ҳам қиш мавсумида ходимларнинг кўпчилик қисмини бир неча ойга мажбурий таътилга юбориш одат бўлиб қолган эди.

Корхона раҳбари Лолахон Ғаниева ташаббуси билан дастлаб консерва цехи очилди. Бу билан мева-сабзавотлар исроф бўлишининг олди олинди, харидоргир яхши маҳсулот ишлаб чиқарила бошланди.

Сўнгра қурилиш бригадалари ташкил этилди. Бу бригадалар ҳозир турли ташкилотлар ва аҳолининг буюртмаларини бажармоқда. Кейинчалик эса, янги фойдали иш - ғаллани навлаш ҳамда юқори сифатли уруғ танлашга киришилди. Шу тариқа корхона жамоаси йил мобайнида иш билан таъминланди, бунинг устига, 60 дан ортиқ киши янги ўринларга жалб этилди.

**(ЎзА)**

# КАСАБА УЮШМАЛАРИ МЕҲНАТКАШЛАР ҲАҚ-ҲУҚУҚИНИНГ УСТУВОР ҲИМОЯЧИСИ

## Жиззах

## ФАОЛИЯТ ОЙНАСИ

Вилоят касаба уюшмалари ташкилотларининг умумий сони - 2034 та бўлиб, улар сафига 229000 нафар касаба уюшма аъзоларини бирлаштириб турибди.

* * *

Цех касаба уюшмалари 1054 та, касаба уюшма гуруҳлари 1358 тани ташкил этади.

* * *

Ҳисобот-сайловларда 10059 киши касаба уюшма қўмиталари аъзолигига, 1847 киши қўмита раислигига, 5546 киши тафтиш комиссияси аъзолигига сайланишди.

* * *

Ҳозирги пайтда 25 та вилоят, 28 та туман миқёсидаги битимлар, 1784 та жамоа шартномалари амал қилмоқда.

* * *

Ўтган беш йилда вилоят меҳнаткашларига 7920 та санаторий йўлланмалари берилди.

* * *

Меҳнат муҳофазаси бўйича 736 та текшириш ўтказилиб, 15 та корхона фаолияти вақтинча тўхтатиб қўйилди. Меҳнат муҳофазаси қонунчилигини бузган айбдорларни жиноий жавобгарликка тортиш учун 37 та ҳужжат ҳуқуқ-тартибот идораларига юборилди. Меҳнат нозирлари таклифи билан 66 киши вазифасидан четлатилди.

* * *

Вилоятнинг Бахмал, Зомин, Фориш, Ғаллаорол сингари тоғолди туманларида 18 та болалар оромгоҳлари бўлиб, уларда ҳар йили 20 мингдан ортиқ бола мириқиб ҳордиқ чиқаради. Мактаблар қошидаги оромгоҳларда 12 минг бола дам олди.

* * *

Кам таъминланган, иқтисодий ночор оилаларнинг 10 мингдан ортиқ фарзандлари касаба уюшмалари бошланғич ташкилотларининг бепул йўлланмалари билан таъминланиб, оромгоҳларда бўлишди.



*Ким мириқиб дам олишни истамайди дейсиз. Зоминга келинг. Онадан янги туғилгандек бўласиз. Фақат йўлланма олишдан олдин ўзингиз ишлаётган корхона касаба уюшма қўмитасига мурожаат этинг. Ҳаражатнинг бир қисмидан фориғ бўласиз.*

*Суратда: «Зомин» санаторийси.*

## *Бошланғич ташкилотларда нима гап?*

## ЯНГИ ЎЙ БЕРИШДИ

Касаба уюшмамиз ўтган ҳисобот даврида таркибий жиҳатдан ўсиб, ташкилий томондан мустаҳкамланди. Янги цех касаба уюшмаси ташкил топиб, тармоқ касаба уюшма аъзолари сони 1177 нафарга етди. Ана шундай салоҳиятли жамоанинг фаол иштироки туфайли вилоят халқ хўжалиги ҳамда аҳоли электр энергияси билан узлуксиз ва тўлиқ таъминланаяпти.

Тармоқ ходимларининг кундалик турмуш шароитини яхшилаш, ижтимоий-иқтисодий муҳофаза этиш борасида касаба уюшма қўмитасининг ўрни ва роли алоҳида бўлмоқда.

Мавжуд 14 та цех касаба уюшмаларида ҳисобот сайлов йиғилишлари ўтказилиб, уларнинг фаолияти қониқарли деб топилди. Жиззах, Зомин, Бахмал туман электр тармоқлари цех қўмитаси раислари янгитдан сайланди.

Мен бир жиҳатга эътиборингизни қаратмоқчиман, жамоа шартномаларининг ижроси - меҳнат кишисини ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш, уларнинг меҳнат, дам олиш шароитини яхшилаш омилидир. Ходимлар уй-жой шароитини яхшилашга алоҳида эътибор бераяпмиз. Сўнгги пайтда 20 та оила янги турар-жой билан таъминланди. Ёлғиз она М.Ҳайдаровага ўзи истиқомат қилаётган турар-жой бепул хусусийлаштириб берилди. Корхона ҳисобида турган 8 та уй ходимларга имтиёзли тарзда хусусийлаштирилди.

Жамоа шартномасига кўра табиий офатдан зарар кўрган ходимларга имкониятдан келиб чиқиб амалий ёрдам кўрсатилмоқда. 1998 йил май ойида Бахмал туманида бўлиб ўтган қаттиқ ёғингарчилик оқибатида 31 нафар ходимимизнинг турар - жойи қаттиқ талофат кўрди. Касаба уюшма қўмитаси, маъмурият ҳамда вазирлик раҳбариятининг саъй-ҳаракати билан 29 нафар ишчи-ходимга 1.320 минг сўмлик 2400 дона шифер бепул етказиб берилди.

Ходимларга меҳнат таътилига чиққанида бериладиган ёрдам пули 1995-98 йиллар давомида 4.360 минг сўмни ташкил этган бўлса, жорий йилнинг ўтган даврида 931.5 минг сўмни ташкил этди. Корхонада кўп йил ишлаб нафақага чиққанларга қўшимча нафақа бериш 1.045 минг сўм, байрам кунлари кам таъминланган оилаларга, аёлларнинг ҳомиладорлик таътилига чиқиши ва бошқа ижтимоий тўловлар учун 2.451 минг сўмдан иборат бўлди.

Жамоада меҳнат қилувчи ёшлар оила қурганда, юбилейлар нишонланганида ажратилган маблағ 662.900 сўмни ташкил этди.

Корхона ходимларининг 10 ёшгача бўлган фарзандлари 200 нафардан зиёдни ташкил этади. Маъмурият ва касабақўм бу ишга жиддий қараб, болалар саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида ўтган даврда 1.812 минг сўмлик маблағ сарфлади.

Спорт ва соғломлаштириш ишлари ҳам доимий диққат-эътиборда бўлиб келаяпти. Теннисни ривожлантириш мақсадида катта теннис майдончаси қурилиб ишга туширилганининг ўзиёқ одамлар саломатлигига эътиборнинг нечоғлик яхшиланиб бораётганидан далолат бериб турибди.

Ижтимоий соҳага доимий эътибор билан қарар эканмиз, бунинг пировардида ишлаб чиқаришда меҳнат унумдорлиги ортиб, меҳнат кишисининг турмуш фаровонлиги ўсиб бормоқда. Ислоҳот ислоҳот учун эмас, инсон учун хизмат қилиши керак, деган ифоданинг ҳаётийлиги ҳам ана шундадир.

**Илҳомжон ЎРИНОВ,**
**Жиззах вилоят «Электр тармоқлари» идораси касаба уюшма қўмитаси раиси.**

## *Жамоа шартномалари қандай бажарилмоқда?*

## КАФОЛАТ

***Касаба уюшмалари вилоят Кенгаши томонидан 1999 йилда тузилган Битим ва жамоа шартномаларининг ярим йилликда бажарилишини таъминлаш юзасидан бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Аввало вилоятда жамоа шартномаларининг намунавий лойиҳаси ишлаб чиқилиб, услубий қўлланма сифатида 2,5 мингга яқин бошланғич ташкилотларга тарқатилди. Вилоят кенгашининг барча масъул ходимлари корхона, ташкилот ва муассасаларда бўлишиб муҳокамаларда қатнашди, ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.***

Жорий йилда 62 та Битим, 1821 та жамоа шартномалари тузилди. Ўтган ярим йилда 12 та Битим, 1213 та жамоа шартномаси бажарилиши муҳокама қилинди.

Агросаноат ходимлари касаба уюшмаси вилоят қўмитаси 6 та вилоят, 11 та туман миқёсида битимлар, 428 та жамоа шартномаси тузган эди. Битимлар муҳокамаси йил якуни билан кўриб чиқиш режалаштирилган. Жамоа шартномалари бандларининг бажарилиши ярим йилликда муҳокама этилди. Ана шу муҳокамаларда маълум бўлдики, кўпчилик корхоналарда асосан молиявий аҳволга боғлиқ бўлган жамоа шартномаларининг бандлари бажарилмай қолди. АСМ ходимлари касаба уюшма қўмитаси жамоа шартномаларига киритилган бандларнинг ярим йилликда бажарилмай қолган бандларини йил якуни билан кўриб чиқиш ва унинг бажарилишини назоратга олган.

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси вилоят қўмитаси вилоят бошқармалари билан 5 та Битим, 240 та жамоа шартномаси тузган. Улар бажарилишининг ярим йиллик ҳолати жойларда атрофлича муҳокама этилди. Вилоят молия бошқармаси, «Ўзагросуғурта» вилоят идораси, ички ишлар, солиқ бошқармалари, Марказий Банк вилоят бўлими идоралари раҳбарларининг Битимлар бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботи масаласи шу йил 18 мартда вилоят касаба уюшма қўмитаси раёсат йиғилишида кўриб чиқилиши айни муддао бўлди.

Алоқа ходимлари касаба уюшмаси бирлашган вилоят қўмитаси тармоқда тузилган битим ва жамоа шартномалари бажарилишида дуруст кўрсаткичларга эришмоқда. Меҳнат хавфсизлигига 237,8 минг, махсус кийим-бош учун 532 минг сўм маблағ сарфлади. Меҳнат таътилига чиққан ходимларга 387 минг сўмлик моддий ёрдам, ёши бўйича нафақага чиққанларга 60 минг сўм, ёлғиз нафақахўрларга 50 минг, юбилярларга 75 минг, квартира ва телефон ҳақига 250 минг сўм моддий ёрдам берилган.

Ҳозирги пайтда 1999 йил ярим йиллигида муҳокама этилган Битим ва жамоа шартномаларининг бандлари бажарилишини таҳлил этиб, айрим бандларнинг бажарилмаслик сабабларини аниқлаб, йил якуни бўйича бажариш чора-тадбирларини кўрмоқда.

**Турсун НИЁЗОВ,**
**Вилоят касаба уюшмалари Кенгаши меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими мудири.**

## СЎЗ – ДЕЛЕГАТЛАРГА

**Лена Худойқулова, Фориш туман агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси:**

- Фориш тумани ҳудудий жиҳатдан Наманган вилоятига тенг ҳисобланади. Асосан чорвачилик билан шуғулланадиган халқимиз олдида ҳали жуда кўп қарздормиз. Аввало уларни ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялаш бизнинг зиммамизга юклатилган экан, бу борада аниқ режа ва тадбирлар асосида фаолият юритишимиз тақозо этилади.

Бугунга келиб бир қатор муаммолар тўпланиб қолган. Биргина мисол: ери-еримизга туташиб кетган Навоий вилояти чўпон-чўлиқларига оғир шароитни ҳисобга олиб компенсация тўланаётгани ҳолда биз бунга ҳали эришолганимиз йўқ. Ниятимиз бу муаммони маҳаллий ҳокимият идоралари билан ҳамжиҳатликда босқичма-босқич ҳал қилиб бориш.

Яна бир ҳал этилишини кутиб турган муаммо - бу меҳнат кишисининг фарзандларини соғломлаштириш. Айтиш мумкинки, бу борада «Соғлом авлод учун» вилоят жамғармаси ва туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда барча қишлоқларимиз аҳолиси соғлиғи назоратдан ўтказилди, кам таъминланган, ижтимоий ёрдамга муҳтож оилаларга текин ёрдам кўрсатилди. Бундай ҳамкорлик узлуксиз давом этмоқда. Ҳудудимизда жойлашган мавжуд 7 та оромгоҳдан ҳали етарли даражадаги самара билан фойдалана олмаяпмиз. Чўпонлар саломатликларини янада мустаҳкамлаш учун кўчма ҳаммомлар ташкил этишимиз зарур.

Бугунги кунда қишлоқма-қишлоқ юриб, одамларнинг турмуш тарзи билан яқиндан танишиб, улар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш бизнинг туман шароитида осон иш эмас. Туман қўмитамиз транспортдан оқсамоқда. Бу муаммо ҳал этилса, ишларимиз янада жонланган бўларди.

**Шухрат ТОЖИБОЕВ, вилоят касаба уюшмалари Кенгаши аҳолига ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш бўлими мудири:**

- Шуни очиқ тан олиб айтиш кераккки, ҳали жойлардаги айрим корхона, муассаса ва идоралар раҳбарларининг ўзи меҳнат қонунларини яхши билмайдилар. Натижада фуқароларни ишга қабул қилиш, ишдан бўшатишда қонун бузилишларга йўл қўймоқдалар.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодекси 1996 йил 1 апрелдан кучга кирди. Унда ходимнинг контракт (ўзаро келишув) билан ишга қабул қилиниши белгилаб қўйилган. Текширишлардан шу нарса маълум бўлаяптики, контракт шартномалар раҳбарлар хоҳиш-иродаси билан муайян муддатга тузиб қўйилмоқда. Бунда ходимнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқига эътибор берилмаяпти.

Бундай қонун бузилиш ҳолатлари вилоят халқ таълими тизими тармоғида, Жиззах шаҳар, Дўстлик, Жиззах туманларида кўпроқ учрамоқда. Қонун бузилишлар ҳақида бўлимимизга мунтазам равишда шикоятлар келиб турибди.

Ўтган даврда 18 минг 556 кишига ҳуқуқий хизмат кўрсатилди. Биргина ўтган йили 7641 та мурожаат бўлиб, уларнинг асосий қисми нафақаларнинг ўз вақтида берилмаслиги, иш ҳақларини ололмаётганлиги ҳақидадир. Бу ҳол айниқса, агросаноат тизимида, Жиззах пайпоқ тўқув фабрикаси, «Зилола текс», Жиззах ип йигирув фабрикасида кўп учрамоқда. Текширишлар давомида 64 минг сўмлик маблағ ходимларга раҳбарлар томонидан ундириб берилди.

Бизга келаётган ариза ва шикоятлар оқими камаймаяпти. Шуни таъкидлаш кераккки, «Вилоят газ», «Вилоят электр тармоқлари» идоралари, 1-қурилиш материаллари комбинатидан ариза, шикоятлар умуман келмай қўйди. Мазкур жамоаларда жамоа шартномалари асосида меҳнат кишисини ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва меҳнат муҳофазасини таъминлашга алоҳида аҳамият берилиши ана шундай натижаларга олиб келаяпти. Демак, локал ҳужжат-жамоа шартномаларининг бажарилиши ҳамиша муваффақият омили бўлиб қолаверади.

**Матлуба ҲАКИМОВА, Зафаробод туман агросаноат ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси:**

- Сайловлар арафасида турибмиз. Туманимиз давлатга пилла, ғалла, пахта топшириш шартномавий режаларини бажарди. Айтиш мумкинки, туманимизда мулкдорлар синфи тўла шаклланиб бўлди. Муҳими - ер эгасини топди. Мавжуд экин майдонлари тўлиғича 540 та фермер хўжаликларига бўлиб берилди. Демак, ана шу майда-майда жамоаларга бўлиниб кетган меҳнат кишиларини ҳар жиҳатдан ҳимоялаш муҳим вазифа бўлиб турибди.

Аёллар йилида белгиланган тадбирларни тўлалигича амалга ошириш асосий ниятимиз. «Зафаробод» пахта тозалаш корхонасида ишлаётган 150 нафар хотин-қизлар иш ҳақи тўлиқ сақланган ҳолда иш куни бир соатга қисқартирилди.

Лекин бир муаммо ҳақида гапирмасак бўлмайди. Бу - ёшлар тарбияси. Уларнинг бўш вақтини кўнгилли ўтказиб, саломатликларини мустаҳкамлаш лозим. Мактаб ўқувчиларида меҳнат кўникмалари ҳосил қилиш баҳонасида уларни ўқув-тарбия машғулотларидан ажратиб, далаларга жалб этиш муддатлари ортиб бораётгани ташвишли ҳол. Бундай аҳволдан қутулишнинг бирдан-бир йўли - қишлоқ хўжалик экинларини машинабоп қилиб ўстиришдир. Деҳқону чорвадор ўз ишини қилса, ўқувчи меҳнатига ҳеч қандай эҳтиёж қолмасди.



*Гавҳар Иномова Жиззах шаҳар алоқа тармоқлари идорасида телефонистка бўлиб ишлайди. Гарчанд уни кўпчилик юзма-юз танимасада, Гавҳархоннинг хизматидан баҳраманд бўлганлиги аниқ. Узоқни яқин қилади, дилларни дилга улайди.*

*Суратда: Г.Иномова.*

## РАҚОБАТДАН ЧЎЧИМАЙМИЗ

- Вилоятимизда тармоқ касаба уюшмаси ташкил этилганига кўп бўлгани йўқ. Лекин ана шу қисқа муддатда муайян ишлар амалга оширилди. Ўз-ўзидан равшанки, бошланғич ташкилотлар сони ҳам кўпаймоқда. Бутун фаолиятимизни тармоқ ходимларининг турмуш ва меҳнат шароитларини яхшилаш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳимояси, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, режалар бажарилишини таъминлаш, илғор тажрибаларни қўллаб-қувватлаб, уларни кенг ёйишга қаратганмиз. Кўп меҳнат талаб қиладиган жараёнлар - механизациялаш, меҳнатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш доимо диққат марказимизда.

Лекин шуни очиқ тан олиб айтиш керакки, жойлардаги касаба уюшма қўмиталари қонунда белгиланган ваколатларидан тўлиқ фойдаланмаяпти. Хўжалик раҳбарларининг қонун бузишларини суст назорат қилаяпти ёки қонунбузарларга нисбатан қатъи чора кўрмаяпти. Тармоқ ходимларининг ёзма ва оғзаки мурожаатлари шундан далолат бермоқдаки, ходимнинг сабабсиз, қонунга хилоф равишда ишдан бўшатилиши ва қисқартирилиши, берилган имтиёзлардан нотўғри фойдаланиш, ходимларнинг меҳнат ва дам олиш юзасидан талаблари бузилиши ҳолларига ҳали тўла барҳам берилгани йўқ.

Яна бир муаммо ҳақида айтмасак бўлмас. Сир эмас, бугунги тадбиркорларнинг аксарияти қишлоқда яшаб, меҳнат қилишади. Шундай экан, агросаноат ходимлари касаба уюшмалари билан бизнинг тармоқ касаба уюшмалари ўртасида рақобатлашув бўлишини табиий ҳол деб ҳисоблайман. Касаба уюшмалари қайси тармоқда ҳисобда туриши уларнинг ўзларининг эрки ва хоҳиши. Шундай бўлгач, қишлоқ тадбиркорини «бизнинг уюшмага кир», дея мажбурлашдан йироқмиз, албатта. Биз улар эътиборини фақат уюшмамиз фаолларининг фидокорлиги билан ўзимизга жалб эта оламиз, холос. Шундай бўлаяпти ҳам.

**Очил ЁРАБЕКОВ,**
**Дўстлик туман тадбиркорлик ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси.**

- Бугунги кунда бошланғич касаба уюшмалари фаолияти янада кенгайиши билан бирга анча жонланмоқда, назаримда. Шундай бўлгач, эътиборни уларнинг ташкилий жиҳатига қаратаяпмиз. Тармоққа қарашли 13 та цех касаба уюшма қўмитасида аҳвол яхшиланиб бормоқда. Айниқса, жамоа шартномалари тузишга эътибор ошганлиги унинг бандлари тўлиқ бажарилишини таъминлаяпти. Уларда тармоқ ходимларини ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялаш, меҳнат ва дам олиш шароитларининг мукаммаллигини таъминлаш каби бандлар мавжудлиги қўл келаяпти. Буларнинг барчаси пировардида ишлаб чиқаришни юксалтиришга хизмат қилаяпти.

Вилоят бошқармамиз 2,5 минг километрлик масофадаги давлат ва республика аҳамиятига молик умум фойдаланишдаги автомобил йўлига хизмат қилади. Айниқса, Жиззах шаҳрини янада гўзал қилиш мақсадида бошқармамиз қошида «Ободончилик» бўлими ташкил этилгани хайрли ишларимиздан бири бўлди. Вилоят маркази - Жиззах шаҳрининг Халқлар Дўстлиги, Ш.Рашидов, Навоий кўчаларига 60 миллион сўмликдан зиёд иссиқ асфальт ётқизилди.

Техника хавфсизлиги бўйича 2000 йилгача бўлган даврга дастур ишлаб чиқилгани айни муддао бўлди. Бу билан бахтсиз ҳодисалар сезиларли даражада камайди. Жойларда шу мақсадларга зарур маблағлар ажратилаётгани бу борадаги ишларни жонлантирмоқда.

Бошланғич касаба уюшма ташкилотлари ишини янада жонлантириш албатта маблағсиз ҳал этилмаслиги маълум. Шуни эътиборга олиб, аъзолик бадалларини маълум миқдорда ошириш ҳисобига бошланғич ташкилотлардаги аҳволни тубдан яхшиласа бўлади деб ҳисоблайман. Аъзолик билетларини алмаштириш ишлари ҳам жадаллашиши зарур.

**Бектемир ХУДОЙБЕРДИЕВ,**
**«Жиззахавтойўл» касаба уюшма қўмитаси раиси.**

## ЎЗЛАРИНИ ҚОНУНДАН УСТУН БИЛИШДИ

### масъулиятсизлик ва муросасозлик илдиз отган бир корхонадаги аҳвол

Вилоят касаба уюшмалари Кенгашига «Жиззахпластмасса» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти ишчиси Абдураҳмон Исмоиловдан шикоят хати келди. Унда таъкидланишича, А.Исмоилов 1975 йилдан буён мазкур корхонада ишлаб келади. 1998-1999 йилларда иш ҳақини ололмаётгани, икки йиллик пулини маъмурият раҳбарларидан талаб қилса, улар: «ишдан бўшанг» дея таклиф қилишаётганини, чорак асрдан буён корхона жамоаси қадрдонига айланиб қолгани туфайли ишдан бўшаб кетиши кўнглига сиғмаслиги, раҳбариятнинг бу ноқонуний ҳатти-ҳаракатидан норози эканлигини баён қилади.

Кенгашга келган икккинчи хат ҳам мазкур корхона ишчиси Уммат Худоёровдан бўлиб, у 1997 йилдан буён корхонада ишлаши, ўтган йилнинг 17 ноябрида меҳнат таътилига чиққанини, таътил тугагач, корхона раҳбариятига учрашиб, ишни давом эттиришга рухсат сўраганида ундан иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътилга чиқишга ариза талаб қилишганини, лекин бундай мазмунда ариза ёзмаслигини билдиргани, 1999 йилнинг 7 июлига келиб штат қисқаргани тўғрисида маълумотнома олганини, 1998 йил декабридан 1999 йил июлигача мажбурий бекор юрган кунларига ўртача иш ҳақи ундириб беришликни сўрайди.

Бундай қараганда ҳар икки хат ҳам мазмунан бир хил: корхона раҳбариятининг ноқонуний ҳатти-ҳаракатидан норози бўлиб битилган эди. Текширишда аниқландики, маъмурият раҳбарияти қонунни четлаб ўтмоқчи бўлишади. Биринчи ҳолатда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 154-161-моддалари хилоф равишда бузилиб, ходимга йиллаб ойлик маоши берилмай келган бўлса, иккинчи ҳолатда, Меҳнат Кодексининг 159-моддаси талабларига асосан ходимнинг айбсиз бекор туриб қолган вақтида унинг ўртача иш ҳақи сақланиши зарур эди. Ўз ҳисобидан мажбурий таътилга чиқариш қонунда кўзда тутилмаган.

Кадрлар бўлими инспектори Ж.Субҳонқулованинг шу йил 12 июлда берган маълумотномаси (русча-матнда ёзилган. Корхонада алоқа хатларининг ҳамон русча ёзилиши ачинарли ҳол - А.А.)дан кўчирма: «У.Худоёров 2-цехда машинист бўлиб ишлайди. Меҳнат таътили 1998 йил 17 декабрда тугагач, ҳужжатларини иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътилга чиқишга расмийлаштирмай келмоқда...»

Ана холос! Ғалати маълумот-а?! Қонун устиворлиги эмас, маъмурият раҳбарининг айтгани бўлмаётганидан инспекторнинг ташвишланиш ҳолати эмасми, бу?

У.Худоёров шу йилнинг 7 июлида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 102-моддасига асосан меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш тўғрисида маъмуриятнинг огоҳлантириш хатини олди. Лекин унда негадир қачондан бошлаб меҳнат шартномаси бекор қилиниши муддати кўрсатилмаган.

Касаба уюшмалари вилоят Кенгаши аралашгач, иккала шикоят хати ҳам ижобий ҳал этилди, ҳақиқат қарор топди. «Жиззахпластмасса» корхонаси ҳисобидан У.Худоёровга 72 минг 106 сўм, А.Исмоиловга 95 минг 621 сўм ундириб берилди.

Биз «Жиззахпластмасса» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида бўлиб, у ердаги аҳвол билан қизиқдик. Август ойининг охирида корхонада 451 киши штатда бўлиб, шундан 31 кишига иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил берилган. Корхона кадрлар бўлимида танлаб олиш йўли билан ҳужжатларни кўздан кечирганимизда қонунни четлаб ўтиш ҳолларига дуч келдик. 2-цех ишчиси С.Саттo-ров 1999 йил 19 мартдан 19 майгача бўлган муддатга иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил беришни сўраб ёзган аризасида ишчининг имзоси йўқ эди. Имзосиз аризага цех бошлиғи С.Машанов «қаршилигим йўқ», дея, корхона бош муҳандиси Х.Пўлатов «кадрлар бўлимига. Буйруқ учун», деб имзо қўйиб юборишган. Ишчи М.Мадиқулова иш ҳақи сақланмаган ҳолда таътил учун ёзган аризасига бошқа дастхатда «19 мартдан 1 майгача» дея қўшимча киритиб қўйилган.

Маъмурият раҳбарияти шу йил 1 майида корхона касаба уюшма қўмитасига асосий ва кўмакчи цехларда хомашё бўлмаганлиги сабабли ходимларга иш ҳақи сақланмаган ҳолда 1 августгача таътил берилишига рухсат этишни сўраб мурожаат қилади. Касаба уюшма қўмитаси ўз йиғилишида мазкур масалани қараб чиқиб, «корхонанинг асосий ва ёрдамчи цехлари ишчиларига 1 майдан 1 августгача ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда меҳнат таътилига рухсат этилсин» дея қарор чиқаради.

Корхона шундоқ ҳам қарздорлик ботқоғидан қутулолмаяпти. Ҳозиргача кредиторлик қарз 2315,2 млн, дебиторлик қарз 81,9 млн, пенсия жамғармаси ва иш ҳақидан қарздорлик 103 млн. сўмликдан ортиб кетди. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг кўпи омборларни тўлдиряпти холос. Истеъмолчилар талаби ва улар билан тузилган шартномага кўра 4140 тонна плёнка ишлаб чиқарилиши зарур бўлиб, амалда эса 675,8 тонна тайёрланди.

Айтиш мумкинки, корхона касаба уюшма қўмитаси ишлаб чиқаришни ривожлантириш, маҳсулотни реализация қилиш борасидаги муҳим ишларда фаол ҳаракат қилмаяпти. Касабақўм раиси Аҳрор Ҳасанов қўмита аъзолари фаолиятини тўғри ва самарали йўналтиришда аниқ дастурга эга эмас. Жамоа шартномаси бандларининг бажарилишига эътибор суст. Унинг бажарилиши бориши ўз вақтида кўриб борилмайди. Умуман айтганда, касаба уюшма қўмитаси маъмурият раҳбарлари билан муросасозлик йўлига ўтиб олган.

Булар натижасида корхонада юқоридаги каби нохуш ҳоллар кўпайса кўпаймоқдаки, асло камаймаяпти. Хўш бундай ҳол қачонгача давом этаркин? Бунга мутасаддилардан жавоб кутамиз.

**А. АЗИМОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

